

# ЁШЛАРНИ МАЊНАВИЙ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Нигора Иргашевна Шадманова**

Ахборот технологиялари ва менежмент университети

“Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси

катта ўқитувчиси

**Нумонова Ирода Ориф қизи**

Қарши Халқаро Университети

Бошланғич таълим йўналиши 2 курс талабаси

## **АННОТАЦИЯ**

*Мамлактимизда ёшлар мањнавий тарбиясида фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва гуманитар фанлар аҳамияти бекиёс. Шу ўринда ёшларнинг мањнавий эҳтиёжларини тўларок қондириши учун таълим-тарбияга хизмат қиласидаган муҳим воситалар: матбуот, телевидения, кино, театр, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ санъати, ахборот воситаларининг интернет тизимиғача, умуман олганда инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказа оладиган барча соҳалар каби ёшларни мањнавий баркамол қилиб тарбиялашда буюк аждодларимиз меросини ўрганишинг аҳамияти, янги сифат босқичига кўтаришида муҳим аҳамият касб этади.*

**Калим сўзлар:** аждодларимиз, қадриятлар, эҳтиёжлар, дурдоналар, равнақ, мутафаккир.

Ёшларни миллий қадриятларга содиклик руҳида тарбиялашда тарихимизнинг бебаҳо дурдоналарини, буюк аждодлардан колган ўлмас меросимизни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Биз ёш авлодни миллий мањнавиятимиз, унинг минг йиллар вақт мабойнида юзага келган қадриятларига содиклик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етуқ ҳамда баркамол қилиб вояга етишишга йўналтиришни масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда мањнавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чукур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувафиқ бўлади. Бу масалада буюк аждодларимиз ҳаётини ўрганиш, уларнинг ижодий меросидан баҳраманд бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижаат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос ўолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Маълумки, қариб бир ярим аср давом этган мўғуллар истебодига қарши кураш тарих саҳнасига Амир Темурдек соҳибқиронни чиқарди. У XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида ғарбий чегараси Миср сарҳадларига, шимолий чегераси Рус ўлкаларига, шарқий чегараси Чин-Мочинга, Жанубий чегараси Ҳинд ўлкасигача бўлган ўлкан салтанатга асос солинди. Темурнинг авлодлари бўлмиш темурий шаҳзодалар Хуросон ва Мовароуннаҳр деб аталувчи ўлкаларда XVI асрнинг боўларигача ҳукмронлик қилиб келдилар. Улар орасида, айниқса, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро каби давлат ва маданият арбоблари алоҳида ўрин тутади. XVI асрдан сўнг темурийлар сулоласи Ҳиндистонда Бобур яратган янги бир салтанат ва сулола тимсолида XIX асрнинг ўрталаригача ҳукм сурди.

Темурийлар ўз она тиллари – туркий тил равнақи ва ривожига алоҳида эътибор бердилар. Темурий шаҳзодаларнинг кўпчилиги юрт суриш билан бир қаторда бадиий ижод билан ҳам шуғулландилар. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида келтирилишича, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи ҳам адабиётга жуда қизиқкан, шеърдан олам-олам завқ олган, турли муносабатлар билан ўтказилган мушоираларда ғазал ўқиб, ўзи ҳам байтлар битган. Жумладан, Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” асарида Амир Ҳусайнинг қуидаги мазмунда туркий байт битганлигини айтади:

*Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишидир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кунда анга.*

Амир Темур тарихини битган Ибн Арабшоҳ томонидан келтирилган қуидаги маълумотлар ҳам буюк соҳибқироннинг адабиётга бўлган эътиборининг ёрқин намунаси дейиш мумкин:

*”...Темур тарихларни, худонинг раҳмати ва саломати бўлгур анбиёлар қиссал арини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо – сафарда ҳам, хатарда ҳам ўқитиб, қунт билан тинглар эди” [2:71](Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 2-китоб, 71-бет). (Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 2-китоб, 71-бет).*

Амир Темурнинг кенжা ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳам вақти-вақти билан байтлар битган. Темурнинг набираси Султон Искандарнинг Ҳайдар Хоразмдан

үтказиб туюқ айтганини Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида ёзиб қолдирган. Шахзода Халил Султон шеърлар битиб, девон тартиб қилган шоир бўлган. Бойсунғур Мирзо эса Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарини ўз қўли билан кўчириб, моҳир хаттот эканлигини намойиш қилган.

Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврида турк тилининг таъсири ва нуфузи ортиб, илм ва адабиёт аҳлига унга бўлган эътибори кучайиб борди. Шу даврлардан бошлаб туркийзабон шоирлар, адабиёт аҳлининг салмоғи ошди. Темурийлар даври туркий адабиёт равнақига мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг қўшган ҳиссаси, айниқсв буюқдир. XV асрнинг биринчи ярмига келиб, Самарқанд дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири сифатида ривож топди. Унинг илм-фан, маданият соҳасидаги мавқеи янада ошди.эди

Хусайн Байқаро ҳукмронлиги даврида ҳам Ҳирот шаҳри муҳим маданият-адабиёт марказига айланган эди. “Аҳли фазл ва беназир элдин Ҳурносон, батахсис (хусусан) Ҳири (Ҳирот) шаҳри мамлу (тўлган) эди”, деб ёзган эди Захриддин Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида. Хусайн Байқаро 1485 йилда ёзган “Рисола”сида биргина Ҳирот ва унинг атрофида мингга якин киши шеър билан машғул эканлиги ҳақида ёзди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида 459 нафар адабиёт аҳли тўғрисида маълумот келтирганини, буларнинг бари темурийлар ҳукмронлиги даврларида ижод аҳлининг салмоғи ортиб, адабиёт ҳар томонлама ривож топганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Темур ва темурийлар даври маънавий маданиятининг ўлкан муваффақиятларидан бири – бу адабий жараённинг катта одимлар билан ривожланганлигидир. Бу даврга келиб, эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёни асосан тугалланди. Дунёвий адабиёт камол топиб, адабий ҳаётнинг етакчи йўналиши бўлиб қолди. Худди шу даврларда Қутб Хоразмий, Хўжандий, Сайфи Саройи, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Яқиний, Аҳмадий, Атойи, Саккокий, Туғилхожа, Мавлона Имод Мавлавий, Мавлона Қози Мухсин, Мавлона Исҳоқ Лутфий, Ҳусайн Байқаро ва бошқалар ўзларининг серқирра ва баракали ижодлари билан ўзбек адабиёти ва жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

Адабиётга, биринчи навбатда, ҳикмат ва санъат тажассуми деб қаралди. Унинг мавзу ва ғоявий йўналиши кенгайди. Биргина Алишер Навоийнинг шеърий меросида 16 хил жанр тури учрайди. Шеърий жанрлар орасида энг кенг тарқалган ғазал ҳисобланади. Шу даврларда тартиб берилиши анъанага айланган шеърий девонларда асосий ўринни ғазал эгаллаган. Газал VIII-IX асрларда араб адабиётида майдонга келган бўлиб, у “ишиқий шеър” деган маънони англатади. У X асрда форс-тожик адабиётига ўзлашди ва ўзига хос янгича шакл ҳамда мазмун билан бойиди. XIV аср бошларида, айни темурийлар ҳукмронлиги даврида у туркий адабиётга кириб келди ва шеъриятимизнинг гултоҷига айланди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ижод ахлини ғоятда қадрлаган. Уларга ҳомийлик қилиб, сермаҳсул ижод учун имкониятлар эшигини очган. Бу анъана ўз даврида темурий ҳукмдорлар томонидан ҳам давом эттирилди.

Кўхна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиласиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такоран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олийжанб фазилатлар асосида шаклланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ёшлилар тарбиясида маънавиятнинг ўрни. Мақсад Акрамов (интернет саҳифаларидан).
2. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент-2001 й.
3. Замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва унга қаратилган креатив ғоялар ва ечимлар Н.И. Шадманова. CIASSROOM INTEGRATION OF COMPUTERS 3 (1)? 88-90, 2020.
4. Irgashevna, S. N. (2023). THE CULTURE OF THE TEACHER'S SPEECH WHEN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 8, 83-85.
5. Shodmonova, N. I. (2019). CO-TEACHING. *Modern Science*, (8-2), 221-224.
6. Shadmanova, N. I., & Usmonova, U. A. (2021). EFFECTIVENESS OF FIRST LANGUAGE IN ACQUISITION OF SECOND LANGUAGE. *Theoretical & Applied Science*, (1), 235-237.
7. Шадманова, Н. И. (2023). МОНОЛОГИЧЕСКАЯ И ДИАЛОГИЧЕСКАЯ РЕЧЬ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. *Academic research in educational sciences*, 4(1), 298-302.
8. Irgashevna, S. N. (2023). LANGUAGE EDUCATION AS AN INTEGRAL COMPONENT OF PERSONAL AND PROFESSIONAL SPECIALIST GROWTH. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 8, 80-82.
9. Шадманова, Н. И. (2016). К вопросу о выражении названий местности на русском и узбекском языках. *Молодой ученый*, (11), 1726-1728.
- 10.Шадманова, Н. Б. (2018). Организация нравственного воспитания. *Молодой ученый*, (15), 260-262.
11. Shadmanova, N. I., & Raximova, D. P. (2019). UTILIZATION OF DICTIONARY. *Theoretical & Applied Science*, (5), 129-131.
- 12.Шадманова, Н. И. (2022). Монологическая речь с точки зрения учёных. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 443-446.
13. Shadmanova, N. I., & Adilova, D. K. (2020). SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF CIVILIZATION. *Theoretical & Applied Science*, (4), 168-171.